# МУСИҚА ЎҚИТИШ УСЛУБИЯТИДА МУСИҚА ПСИХОЛОГИЯСИ ВА НАФОСАТ ТАРБИЯСИНИНГ МУШТАРАКЛИГИ

***Худойбердиев Нортожи***
*Термиз давлат университети*
*"Мусиқа таьлими" кафедраси ўқитувчиси*

Ёш авлодни эзгу – ниятда ўргатиш, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни етук инсонлар қилиб вояга етказиш ҳамда самимият ва адолат руҳида барқарорлаштириб турилишида ўз ҳиссасини қўшиб келаётган мусиқа маданияти ўқитувчиларининг зиммасидаги энг муҳим вазифалардан биридир.Чунки, мусиқа санъати билан шуғуллланувчи инсонлар бағри кенг ва нафис инсонлар бўлиб, уларнинг маънавий дунёси бошқа зиёли инсонлардан кўра кўпроқ ташланиб туради. Уларнинг рухий имкониятлари, фикр- мулоҳазалари, касбий, аҳлоқий муомила фаолиятлари ҳамда маънавий тушунчалар билан ишонтира олиш туйғусини ифодалашда айниқса,назар – эътиборли бўлишади.Яхши бир мусиқий асарни тинглаганнингизда ундаги оҳанг жилолари қалбингизни тўқинлантириб нозик ва нафис ҳиссиётларингизни уйғотади. Демак,нафосат ва мусиқа психологияси бир-бири билан муштарак.Мусиқанинг ўзи бир дунё бўлиб,дунёни эса бадият, гўзаллик ва завқ-шавқ ўзига ошифта қилиди.Шундай экан,мусиқа санъати улкан руҳий таъсир кучга эга эканлиги бор нарса.Айниқса,мусиқанинг психологик жиҳатларини ўрганишда катта эҳтиёж мавжуд.

Мусқа психологияси фанидан ижрочининг мусиқий асарни ижро этиш жараёнида уларда кечадиган психик ҳолатлар хусусиятлари мусиқанинг психологик таъсир имкониятларини ўрганишда фойдаланилади.Нафосат тарбиясининг асосий мақсади, ёшларимизнинг гўзалликни севишга ундан бахраманд бўлишга ўргатишдан иборатдир. Гўзаллик ва нафосат ҳар бир куй – қўшиқда, меҳнат жараёнида ҳам мавжуддир.Шу боис,уни фахмлай билиш ва бахраманд бўла олиш қобилятига эга бўлиш муҳим масаладир.Айниқса, бугунги давримиздаги техниканинг фаол суратлар билан ривожланиб бораётганлиги сабабли мутахасислар олдида мурғак қалб эгалари қалбига мусиқанинг ижобий ҳислатларини тўғри сингдира олишдай муҳим вазифалар турибди.Ҳозирда мутахассислар кўплаб ёшлариимизнинг ғарбий давлатлардан криб келаётган тумтарақай, маьни маслаги йўқ мусиқаларни тинглаётгани эвазига ёш авлодларимиз келажагига салбий тасир кўрсатиш мумкинлигини ҳис этишиб, олдини олиш чора тадбирини ишлаб чиқмоқдалар.Ушбу юқоридаги келиб чиққан ҳолда мусиқий таълим – тарбияси орқали нафосат тарбиясини беришни авваламбор мактабгача таълим муассасаларидан такомиллаштириш орқали бўлсада ёш авлодни нафосат ҳис –туйғуларини тўғри таркиб топтиришдан бошлаш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки мусиқани тинглай билиш ва ундан завқлана санъат ҳисобланади.

Ҳар бир халқнинг куй- қўшиқлари, лекин бизнинг тарбиямиз халқимизнинг орзу умидлари, ҳаётий кечинмалари, ўзининг маънавий дунёсини ўзида ас эттирган фольклор –этнографик ва анъанавий куй –қўшиқларимиз муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Биз ёшларга мусиқий таълим орқали нафосат тарбиясини бериш жараёнида ана шундай, миллий меросимизни пойдевор қилиб олишимиз лозим. Усиб келаётган ёш авлод тарбиясида мусиқа ва нафосат тарбияси нақадар улкан имконият эканлигини биз мусиқа ўқитувчилари жуда маъсулият билан ҳис этмоғимиз даркор. Биз ўқитувчилар оҳанглардан ҳолда ёшларимизнинг мусиқий маданиятини янада кўтаришга, уларнинг маънавий оламини янада кенгайтириб харакат қилмоғимиз лозим. Албатта фақат миллий куй –доирасида айланиб қолмасдан онгли равишда эл етук композиторларидан:, Бетховен, Моцарт, Шопен, Шуман, Хачатурян, Чайковский, Шостокович ва бошқа мусиқачилар ижоди намуналарини ҳам эшита олиш лозим. Бугунги даврда ёшларни мусиқа таълим – тарбияси жараёнида – ривожлантириш борасидаги бир қатор Қарорларнинг ижроси ҳамда Халқаро миқёсдаги фаолиятларни ташкил этишнинг ёшларда эстетик тарбия ва миллий маънавий дунёқарашларни камол топишида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Ёшлар қанчалик мусиқий билимга эга бўлсалар, шунчалар мусиқа санъатидан маънавий озуқа олади, улар қалбида ҳар тамонлама мукаммалик, ҳалоллик, яхшилик, эзгулик ҳукмрон бўлади.

XXI-асрда ижтимоий иқтисодий муносабатлар ривожида инсон ақл заковати ва маънавияти асосий мувофиқлаштирувчи,ривожлантирувчи омил ва восита эканлиги тобора намоён бўлмоқда. Шунинг учун бугунги кунда халқимизнинг миллий ўзлигини англаш жараёни фаоллашиб бораётганлиги сабабли ёшларни маънавий-ахлоқий аҳамияти сезиларли даражада юзага чиқмоқда.Шу боис жамиятимиз тараққиёти учун янгича миллий руҳда фикрловчи шахснинг шакилланиши муҳим аҳамиятга эга. Жамиятимиз мустақилликни қўлга киритганидан буён юртимизда мусиқа санъати ривожи учун кенг кўламли очилди. Шу далилларни эътиборга олган ҳолда ўқувчиларни мусиқа санъатига бўлган хавас ва қизиқишларини,мусий саводхонлигини ошириб боришда мусиқа психологяси фани ҳозирги замон талабининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.Давлатимиз томонидан қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"асосида ишлаб чиқилган санъат соҳасидаги катта ўзгаришлар туфайли ҳозирги даврда мусиқа санъатига бўлган эътибор ва эҳтиёж сезиларли даражада ўсиб,унга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.Мусиқа ижрочилиги мураккаб психологик-физиологик жараён бўлиб, мусиқа дарсларида турли қушиқлар,назарий тушунчалар асосида ёш ўқувчиларнинг ахлоқий ва нафосат тарбиясини бериш ўқитишнинг энг фаол шаклидир.Шундай экан,мусиқада инсон камолоти ва миллат руҳи яшайди.

Ўқувчиларни компетенциясини янада ривожлантириш орқали уларнинг теварак атрофни,эстетик баҳолашни билишда,бадиий дидни ва мусиқага

булган муҳаббатини тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир. Ўқитувчи мусиқий машғулотларда ўқувчилар диққатини ўзига жалб қилиши мусиқавий асарни идрок этишга, у ёки бу жараён билан таққослашга ёрдам беради.Мусиқани эмоциональ сезиш учун уни эшитишни билиш керак.Чунки бу малака болалар билан оддий мусиқа асарларини тахлил қилиш,уларнинг диққатини мусиқа воситаларига қаратиш билан ўзига хос мусиқа тилини ҳис қилишга ўргатилади. Шуни айтишимиз мумкинки мусиқий тарбия орқали миллий қадириятларни асраб авайлаш, тарғиб этиш, айниқса ёшларимизда юртимиз мустақиллигини бор вужуди билан ҳис этиш ва севишга ўргатиш, ёшлар орасида нафосат тарбиясининг янада мукаммаллашиб боришида муҳим бир аҳамият касб этади. Мусиқа санъати энг қадимий ва ўзбек халқининг турмушига чуқур сингиб кетган соҳаларидан биридир. Мусиқа дарсларида мусиқа психологиясининг конун-қоидаларига риоя қилган ҳолда олиб борилган машғулотлар ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини ошириб, нутқини ривожлантиради,овози, мусиқий укуви шаклланади. Агар ўрганилаётган қўшиқ болаларни қизиқтирса,уларнинг ижрочилик маҳорати устида олиб бориладиган ишлар ўқувчилар учун зерикарли бўлмайди.Чунки, айнан психологик  муносабат воситаси билангина нафосат оламига олиб кириш мумкин.

**Фойдаланилган абадиётлар**

1. В.И.Петрушин "Музыкалное психология" М:1997.
2. Bekzod, C. (2024). THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE MUSIC IN CHILDREN'S EDUCATION. Journal of Integrated Education and Research, 3(3), 122-124.
3. Bahrom o'g'li, C. B. (2024). Performance In Folk Instruments (Gijjak Kobus Bass). International Journal of Formal Education, 3(4), 66-68.
4. Bahrom o'g'li, C. B. (2024). WORKING ON DEVELOPMENT OF PERFORMANCE TECHNIQUE ON GIJJAK KABUS BASS INSTRUMENT. European Journal of Interdisciplinary Research and Development, 24, 54-57.
5. Bekzod, C. (2023). THE HISTORY OF THE CREATION OF UZBEK FOLK INSTRUMENTS AND THE RAVINES OF IMPROVEMENT. Innovations in Technology and Science Education, 2(10), 76-79.
6. Choriyev, B. (2022). G'ijjak qobuz bas cholg'usining yaratilish tarixi va o'zbek musiqa ijrochiligida tutgan o'rni. Journal of Integrated Education and Research, 1(7), 34-37.
7. Choriyev, B. (2022). ISSUES TO INCREASE THE EFFECTIVENESS OF MUSIC CULTURE CLASSES IN SECONDARY SCHOOLS. Journal of Integrated Education and Research, 1(1), 67-73.
8. Bahrom o'g'li, C. B. (2022). UMUMIY O'RTA TA'LIM MUASSASALARIDA MUSIQA MADANIYATI DARSLARI

SAMARADORLIGINI OSHIRISHDAGI KAMCHILIKLAR VA MUAMMOLAR. Conferencea, 136-139.

9. Choriyev, B. B. (2019). Ideological bases for the modernization of Uzbek folk instruments. ISJ Theoretical & Applied Science, 12(80), 83-87.
10. Choriyev, B. (2021). CONTENT AND LEVEL OF COMPETENCE OF MUSIC CULTURE LESSONS IN SECONDARY SCHOOLS. EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH.